*Нарпай бу йил Самарқанд вилоятида давлатга пахта сотиш режасини бажарган ягона туман ҳисобланади. Ўйлаб кўринг, бус-бутун вилоятда танҳо Нарпай туманигина ўз сўзининг устидан чиқди — йиллик режа 102,29 фоизга бажарилди. Ҳосилдорлик туман бўйича 28,6 центнерни ташкил этди.*

*Узоқ йиллар боши қолоқликдан чиқмаган нарпайликлар кейинги уч йилда устма-устига ғалаба қозонишмоқда. 1998 йилда режа 108 фоизга, 1999 йилда эса 113 фоизга етди. Пахтачиликда етарли тажриба тўпланди, деҳқончилик илмдонлари кўпайди.*

*Бу рақамлар нафақат пахтачиликда, ғалла ва пилла етиштиришда ҳам фоиз кўрсаткичи бўйича 100 дан анча юқорида туради.*

*Биз бугун Нарпайга сим қоқиб, уларга янги йилда янги муваффақиятлар тилаб қўймоқчи эдик. Аммо гўшакни туман ҳокими Акбар ЖАМИЛОВ кўтариб қолди ва газетамиз ҳақида, айниқса, унинг шанба сонлари хусусида илиқ гапларни айтди. Жумладан, бу йил туман аҳлининг кўпчилиги «Халқ сўзи»га ёзилишгани ва бу тадбир давом этаётганлиги тўғрисида гапирди. Шунда биз ҳам ундан янги асрдан нималар кутаётганлиги ҳақида сўрадик. Зеро, музаффар инсонларнинг гапи ҳам бутун бўлади.*

**Янги мингйилликдан нималар кутаяпсиз?**

# Нафъинг агар халққа бешак эрур



— Севимли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг «Халқ сўзи»даги чиқиши мени анча ҳаяжонга солди, — гап бошлади ҳоким. — Қаранг, ёзувчи аслида биз янги асрга қадам қўйганимизга 10 йил бўлди, дейди. Бу гапда ҳикмат кўп, бу ўта мағизли иборадир. Чунки Мустақиллик бизга янги эрани бошлаб берди, ҳамма соҳада, энг муҳими, юракларимизда Буюк Уйғониш бошланди. Илму урфон янгиланмоқда, бугунги тафаккуримиз, дунё воқеаларига бўлган муносабатимиз 10 йил илгаридан мутлақо фарқ қилади.

**— Масалан?**

— Масалан, биз яқиндагина Конституциямизнинг 8 йиллигини нишонладик. Бош қомусимиз ҳақида кўп некбин гаплар айтилди. Унинг ҳаётимизни бутунлай янги ўзанга буриб юборганлиги тўғрисида яна кўп нарсалар дейиш мумкин. Аммо мен бир нарсани таъкидламоқчиман. Илгариги Конституциялар, аввало, давлат манфаатларини ҳимоя қиларди. Бизнинг Бош қомусимиз эса, биринчи навбатда, инсон учун, унинг манфаатлари учун курашади.

Хўш, нега шундай? Менимча, Конституциямизнинг бош ижодкори — Юртбошимиз Ҳазрати инсонни ҳамиша улуғлайди, бошига кўтаради. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Инсон манфаатлари йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили ва ниҳоят Оналар ва болалар йили!

Мажозий маънода айтиш мумкинки, биз XXI асрга соғлом авлод билан кириб бораяпмиз. Токи янги мингйилликда инсон завол кўрмасин, оналаримиз ва болаларимизнинг тўрт мучали соғ, тўрт кўзи тугал бўлсин.

**— Инсон ҳақида гап кетганлигидан фойдаланиб, сизга мурожаат этмоқчийдим. Нарпай Каттақўрғон, Нуробод, Пахтачи, қолаверса, Навоий вилоятининг Хатирчи туманлари билан чегарадош, ҳаммаси бир дарёдан сув ичади, иқлими, шарт-шароити ҳам бир хил. Аммо юқоридаги туман пахтакорлари ўз режаларининг 80-давонига ҳам етолмадилар. Нега шундай? Ёки нарпайлик деҳқонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик кучлироқми?**

— Эсингизда бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисда Президентимиз «Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини юксалтириш, унумдорлик, ҳосилдорликни ошириш муаммолари фақат агротехника, наслчилик, уруғчилик масалаларига, деҳқончилик маданиятини оширишгагина боғлиқ эмас. Бугунги кунда бизнинг бу масаладаги энг заиф жойимиз — ишни ташкил қилиш, меҳнатни рағбатлаштириш билан белгиланади», деган эдилар. Бошқа туманларни билмадиму, аммо шу нуқтаи назардан қараганда, нарпайликларнинг омади бор. Тумандаги аҳоли пунктлари 100 фоиз газлаштирилган. Бугунги кунда мавжуд 68 та мактабнинг барчасида «зангори олов» ёнмоқда. Ичимлик суви муаммоси ҳам аллақачон бартараф этилган.

Бизда бригада бошлиқлари олдига ҳам, хўжалик раислари ёки корхона ва ташкилот раҳбарлари олдига ҳам битта вазифа қўйилган: режани бажар, аммо, энг аввало, қўл остингдаги одамларнинг янада тўкин ва бахтли яшаши учун кураш. Йўқса, сенинг режани бажаришингу, қилган даромадингдан не наф? Ахир Мир Алишер бобомиз ҳам беҳуда айтмаганлар:

*Нафъинг агар*
*халққа бешак эрур,*
*Балки бу наф ўзингга*
*кўпрак эрур.*

Зеро, яхшилик қилишни биладиган одам эмас, бировга ёмонликни раво кўрмайдиган киши саховат соҳибидир, элюртига нафлидир. Бу наф замирида эса билган ёхуд билмаган ҳолда ўз манфаатлари мужассам бўлади. Демак, манфаатлар мужассамлиги — тинчлик, осойишталик, тараққиёт ва фаровонлик гаровидир.

А. Навоий номли, «Ўзбекистон», Бобур номли ширкат хўжаликлари режани 130-170 фоизга бажаришди. Шу билан бир қаторда хўжаликнинг ҳар бир аъзосига 800-1000 килограммдан ғалла ҳам бердилар. Туманда ҳар бир қарич ер ҳам, ҳар тийин пул ҳам назоратсиз қолмайди. Бу йил пахтанинг 90 фоизи фақат юқори навларга сотилди. Натижада туман 2 миллиард сўм даромад қилди.

**— Бу анчагина маблағ-ку?**

— Бу — нарпайликларнинг эртаги ризқи. Бу — Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаётган, шу юрт, шу озод Ватан тараққиёти учун астойдил бел боғлаган фидойи инсонларимизнинг насибасидир. Зотан, кимки ўз Ватанига дахлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам дахлдор эмас. Бир замонлардагидек, давлатнинг ери, давлатнинг пахтаси, моли ва ғалласи, дейдиган даврлар ўтиб кетди. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш борасидаги бугунги сиёсатимизнинг асл мазмуни ҳам шундан иборат. Одамларимиз кўплаб жойларда бу сиёсатнинг «таъмини» татиб кўришди. Бизда ҳам айни вақтда 310 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва улар туман иқтисодиётига улкан улуш қўшмоқда.

**— Бу йил қанча майдонга ғалла экилди?**

— 5295 гектарга. Ҳозир тўла ниҳол олинди. Шуларга, боқиб қувониб кетаман. Бу — XXI асрнинг, яъни янги мингйилликнинг ҳосили бўлади. Биз ҳозир тарихий даврларни бошдан кечираяпмиз. Зеро, бундай фурсат ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Мен янги асрда Ўзбекистонни қишлоқ хўжалиги гуркираган, «Ўзбекистонда тайёрланган» деган тамғали маҳсулотлар жаҳон бозорларини тўла эгаллаган ҳолда тасаввур қиламан.

**Э. БОЛИЕВ**
**суҳбатлашди.**

**• Ислоҳот қирралари**

# ЖИЗЗАХ БУЮМЛАРИ ДОВРУҒИ

Асримизнинг сўнгги йили Жиззах вилояти маҳаллий саноатчилари учун ўсиш-ўзгариш даври бўлди. Агар 1998 йилда 19,6 миллион сўмлик буюмлар ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўн бир ойида бу рақам 197,1 миллион сўмни ташкил этди. Йил якунида 210 миллион сўмлик товар маҳсулоти истеъмолчиларга етказиб берилади.

Бултур маҳаллий саноат буюмлари 377,5 минг АҚШ долларилик миқдорда экспорт қилинган бўлса, шу кунгача 810 минг доллар ҳажмидаги буюм хорижга жўнатилди. Қаранг, илгари бундай маҳсулотлар аксарият ҳолларда четдан олиб келинарди. Энди эса импорт ўрнини босувчи буюмлар қаттиқ валютани тежаяпти, айни пайтда экспорт салмоғини ошириш мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ишига ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Хўш, бундай ўзгаришларга қандай эришиляпти? Саволимизга вилоят «Маҳаллий саноат» акционерлик компанияси раиси Эркин Қобулов қуйидагича жавоб қилди:

— Ҳамма гап мулк ўз эгаси қўлига ўтаётганлигида. Одамлар қанча унумли ишласа ўзларига ҳам, корхонага ҳам яхши бўлишини амалда кўриб ишонч ҳосил қилмоқдалар. Вилоят ҳунармандлар уюшмаси билан ҳамкорлигимиз яхши самара бераётир. Фориш, Зомин, Пахтакор, Жиззах туманларида миллий зардўзлик цехлари ишлаб турибди.

— Оналар ва болалар йилида янада завқ билан бешик ясаймиз, — дейди ҳунарманд Кўчқор Қозоқов. — Бу касбга 2 ўғлим ва 2 набирамни ўргатдим.

Ўтган 11 ой ичида 100 дан зиёд янги иш ўринлари вужудга келтирилди. Келгуси йилда экспортбоп тиббиёт пахтаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Хуллас, хомашё материалларини ўз имкониятлари ҳисобига кўпайтириш орқали бежирим, сифатли, айни пайтда рақобатбардош буюмлар тайёрлашга бел боғлаган жиззахлик маҳаллий саноатчилар янги асрда, янги йилда катта орзуларга иштиёқманд ишламоқдалар.

**Саодат ЖАББОРОВА.**

# Иш ўринлари кўргазмаси

Энергетиклар шаҳри Тахиатошда меҳнат бўлимининг ташаббуси билан бўш иш ўринлари кўргазмаси ўтказилди. Унда корхона, идора ва ташкилотлар 77 та иш ўринларига аҳолини таклиф этди. Тадбир натижасида 57 нафар йигит-қиз муқим иш билан таъминланди. 10 нафар қизга эса “Барс” хусусий фирмасида ҳунар ўрганиш учун йўлланма берилди.

Бундай бўш иш ўринлари кўргазмаси Бўзатов, Қораўзак, Элликқалъа туман меҳнат бўлимлари томонидан ҳам ўтказилиб, юзлаб кишилар иш билан таъминланди.

**А.ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ

Инсоният янги асрга қадам қўяётган шу улуғ аёмда болаларга эътибор ва ғамхўрликни янада кўчайтириш, етим-есирлар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлаш мурувват ўн кунлиги ўтаяпти. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг ижроия қўмитаси шу муносабат билан «Маҳалла» хайрия жамғармасига уч миллион сўм маблағ ажратди. Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилоят қўмитаси Бекободдаги «Саховат» боғча-мактаби ва Чирчиқдаги 14-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини кийим-кечак ва ширинликлар билан сийлади. Касаба уюшмаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Хоразм, Тошкент ва Фарғона вилоят ташкилотлари ҳам мурувват ўн кунлигида фаол қатнашмоқдалар.

**Жўрабек МУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёлғоннинг миси чиқди

## ёки пахта тайёрлашдаги кўзбўямачиликнинг «Қизилровот»ча усули

**Жиноят ва жазо**

Деҳқончилик қалбакиликни ёқтирмайди. Астойдил, ҳалол меҳнат қилган кишидан ер ўз саховатини аямайди. Афсуски, Уйчи туманидаги «Қизилровот» тажриба хўжалигининг директори Маҳмуд Исмоилов шу йўл билан эмас, балки қинғир ишлар билан «шуҳрат» топди. У меҳнат қилмай мўмай даромад олиш мақсадида қинғир ишга қўл урди. Оқибатда бир пайтлар вилоятдаги илғор хўжаликлардан бўлган, пахтанинг янги навларини синаб, экиш учун бошқа хўжаликларга тавсия берадиган мазкур тажриба хўжалиги қолоқлик ботқоғига ботиб қолди.

Ўтган йили хўжалик раҳбари М.Исмоилов давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажара олмаслигига кўзи етди. У «Қизилровот»нинг илгариги обрўсини сақлаб қолиш, қолаверса, ўзи ҳам обрў қозониш мақсадида ҳийла ишлатишга, аниқроғи кўзбўямачилик йўлини тутишга жазм этди.

Пахта тозалаш заводининг хўжалик ҳудудида жойлашгани ғаразли мақсадни амалга ошириш учун унга қўл келди. Негаки, хўжалик тайёрлаган пахтасини айнан ана шу корхонага топширарди.

«Директор заводда штаб тузиб, шу ердан туриб йиғим-теримга раҳбарлик қила бошлади. Сентябр ойининг ўрталарида барча бригада бошлиқлари билан йиғилиш ўтказди. Унда ғўза чаноқларида етарли ҳосил тўпланмаганлиги, шу сабаб хўжаликнинг пахта тайёрлаш йиллик режаси уддаланмай қолиши мумкинлигини уқтирди. Бундай аҳволдан чиқишнинг йўли — заводдан терилмаган пахталар учун юк хатлари олиш эканини очиқ-ойдин айтди. Ана шу ҳужжатлар асосида қалбаки табел ҳамда тўлов ведомостлари тузиб хўжалик кассасидан пул олишни таклиф қилди. Ундан бригада бошлиқлари ҳам манфаатдор бўлажагига шаъма қилди.

Завод саралочиси Маҳаммаджон Йўлдошев директорнинг энг ишонган кишиси ҳисобланарди. У илгари сурилган бу таклифдан директор билан ўзи кўпроқ манфаатдор бўлишини яхши тушунарди. Шу сабаб у 21 сентябрдан топширилмаган пахта учун раҳбарнинг кўрсатмаси билан юк хатлари ёзиб беришга «енг шимариб» киришиб кетди. Унинг ҳузурига ташриф буюрган бригада бошлиқлари топширилмаган пахталар учун бирин-кетин юк хатлари ола бошладилар.

1-бригада бошлиғи Фахриддин Отабоев ноқонуний ишга биринчилардан бўлиб киришди. У пахта терими мавсуми давомида териб топширилмаган 85,5 тонна пахта учун сохта юк хатлари олди. Шулар асосида хўжалик кассасидан қалбаки тўлов ведомостлари орқали 630 минг сўм пулни олиб ҳамтовоқлари билан бирга ўзлаштириб юборди.

Шу тарзда сентябр-октябр ойлари давомида завод саралочисидан бригада бошлиқлари И.Номанов 65,0 тонна, У.Умаров 35,8, А.Ҳожиев 101,7, Р.Дедеханова 97,5, А. Марипов 114,6, К.Эсанов 100,5, А.Сайдасралов 58,0, И.Раҳмонов 58,7, Т.Тўхтабоев 63,1 тонна терилмаган, умуман, топширилмаган пахта учун юк хатлари олдилар ва шулар асосида хўжалик кассасидан жуда катта миқдорда пул ўзлаштирдилар.

Кўзбўямачи директор бошлиқ жиноий гуруҳга халқ таълими ходимлари ҳам қўшилишди. Улар «алдагани бола яхши» қабилида иш тутишди. Хўжалик ҳудудидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси Ш.Холматов 1-бригада томонидан 20 тонна терилмаган пахта учун берилган юк хати асосида ўқувчилар номига тўлов ведомостлари ёзиб кассадан пул олди. У ведемостда кўрсатилган пулни ўқувчиларга бермай «хўжалик планининг бажарилишига ёрдам», деб болаларга қўл қўйдириб олди. 45-ўрта мактаб ўқитувчиси Р.Ортиқбоев, 8-ўрта мактаб ўқитувчилари А.Туялиев, Х.Нажаев ва Ғ.Ураловлар ҳам турли бригадалар томонидан берилган юк хатлари асосида ўқувчилар номига тўлов ведемостлари тузиб, кассадан мўмай пул олиб, гуруҳ аъзолари билан «арра» қилишди.

3-бригада ҳисобчиси М.Қосимовнинг хурмача қилиқлари ҳаммасидан ошиб тушди. У 97,5 тонна терилмаган пахта учун ёзилган сохта юк хатлари асосида туман пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчилари номига қалбаки тўлов ведомостлари тайёрлади ва бригада бошлиғи билан тил бириктириб ясама имзолар қўйилди. Шу тариқа катта миқдорда пул ўзлаштирилди. Энг ачинарлиси, бундай ҳолат бошқа бригадаларда ҳам рўй берган.

Пахта тозалаш заводи саралочиси М.Йўлдошев ҳаммаси бўлиб 778,3 тонна терилмаган пахта учун хўжалик бригада бошлиқларига юк хатлари ёзиб ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ва бунинг натижасида улардан 2410,0 минг сўм пулни пора сифатида олган. Хуллас, М.Исмоилов бошчилигидаги жиноий гуруҳ томонидан терилмаган пахта учун тўланган 6 миллион 400 минг сўмдан зиёд пулни у ҳамтовоғи М.Йўлдошев ва бошқалар билан ўзлаштириб юборган.

Ажабланарлиси, бу жиноий ҳаракатлар фош этилгунга қадар М.Исмоилов «хўжалик пахта тайёрлаш йиллик режасини 108 фоиз қилиб бажарди», дея юқори ташкилотларга маълумот берган ва обрў-эътибор қозониб, кўкрак кериб юрган. Аслида эса пахта тозалаш заводи хўжаликдан қабул қилиб олган 2257 тонна пахтанинг 778 тоннаси йўқ бўлиб, фақат қоғозлардагина бор бўлган, холос. Бу оз эмас, кўп эмас йиллик режанинг 34,5 фоизини ташкил этган.

Ўзи хон, кўланкаси майдон директор сохта обрўсининг миси чиқди. Вилоят прокуратураси томонидан мутахассислар иштирокида ўтказилган тафтиш давомида директор ва унинг ҳамтовоқлари содир этган жиноий ҳаракатлар ўз исботини топди. Терговнатижалари бўйича бир эмас 16 киши суднинг қора курсисига ўтказилди. Гуруҳ жиноий ишини кўриб чиққан вилоят суди ўз ҳукмини ўқиди. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг бир қатор моддаларидаги жиноятларни содир этганликлари учун тажриба хўжалиги директори М.Исмоилов, хўжалик қошидаги пахта тозалаш заводи саралочиси М.Йўлдошев, бригада бошлиқлари Ф.Отабоев, И.Номанов, А.Ҳожиев, А.Марипов, К.Эсанов, А.Сайдасралов, И.Раҳмонов, Т.Тўхтабоев, ўқитувчилар Ш.Холматов, Р.Ортиқбоев, А.Туялиев, Х.Нажаев, Ғ.Уралов ва табелчи М.Қосимов 5 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум этилдилар.

Наманган вилоятида ўзининг ҳалол меҳнати билан катта обрў қозонган, халқнинг юксак ҳурматига сазовор бўлган кишилар кўп. Уларнинг номлари ҳамма вақт ҳурмат билан тилга олинади. «Қизилровот» тажриба хўжалиги директори Маҳмуд Исмоилов каби айрим кимсалар ўз хурмача қилиқлари билан сохта шуҳрат қозониб, тарала-бедод юришди. Ҳайриятки, қилни қирқ ёрувчи тафтишчилар уларнинг сохтагарчиликларини фош этишди. Шуни айтадилар-да, эртами-кечми ёлғоннинг миси чиқади, деб.

**Алижон МАВЛЯНОВ,**
**Наманган вилояти прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлимининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси.**

# Чеварлар

Куёвларнинг адл қоматига ёпишиб турган, юзлари ойдай келинчакнинг чиройини тағинда очиб юборган либосларнинг кўпи қўрғонтепалик чевар Манзурахон Баҳромова ва унинг шогирдлари қўлидан чиққан. Олис қишлоқ ҳунармандлари ҳар бир либосга кўз нури, қалб кўри, меҳрини бахшида этгани учунми, бежирим кийимлар ҳамманинг диққатини ўзига тортади, кўзларни қувонтиради.

Гўзаллик, нафосат ва дилбарлик улашувчи Манзурахон миллий либосларимизни бугунги кун талабига мослаб тикиш йўлида тинмай изланмоқда. Айни дамда касб «сир»ларини қишлоқ қизларига эринмай ўргатаётир. У кейинги пайтда икки юздан ортиқ ҳамқишлоғига бу касбни ўргатди.

Манзурахоннинг ҳамюртлари унинг саховатпешалигидан ҳам мамнун бўлишаётир. Қишлоқ ҳунарманди хайрия ишларига бир миллион сўмга яқин пул ажратди.

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Посбонлар танлови

Фарғонадаги Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли вилоят театрида “Маҳалла посбонлари” танловининг финал баҳслари якунланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни ҳамда “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари тўғрисидаги Низомга биноан амалга оширилган мазкур танлов жойларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, қўлга олиш, фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Посбонларнинг касбий тайёргарлигини доимий ошириб бориш эса шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Мазкур танлов шу мақсадларга хизмат қилади.

Танловнинг финал баҳсларида иштирок этган Марғилон шаҳри, Сўх, Қува, Тошлоқ ва Ўзбекистон тумани маҳалла посбонлари ҳуқуқий билимдонликлари, театрлаштирилган саҳна кўринишларини шарҳлаш, сардорлар беллашуви борасида ўз маҳоратларини намойиш этди. Қизиқарли мунозаралар, тортишув ва баҳсларга бой бўлган танловда Қува тумани маҳалла посбонлари жамоаси биринчи ўринни олган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларга Сўх ва Ўзбекистон тумани посбонлари муносиб деб топилди.

**Р.КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**



*Акциядорлик-тижорат «Ўзтадбиркорбанк» мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, молиявий муассасанинг хориж сармоясини республикамизга олиб келиш бўйича амалга ошираётган ишлари диққатга сазовордир. Айни пайтда банк ёрдамида чет эл маблағи олиб, халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ёки мижозларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатаётган корхоналар талайгина.*

**• Банк ва мижоз**

# КРЕДИТДАН БАРАКА

Банк Ўрта Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг «Кроссроудз» компанияси билан ҳамкорликда тадбиркорларнинг 3 миллион 300 минг АҚШ доллари миқдорида 36 лойиҳасини молиялаштирган. Улар мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритмоқда. Хориж сармоясида кредит олиб ишлаётган корхоналар республикамиз истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари билан тўлдиришга ва аҳолига турли хил хизматлар кўрсатишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Масалан, «Дероз» хусусий корхонаси кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 115 минг АҚШ доллари, «Атриум» қўшма корхонаси кийимларни кимёвий усулда тозалайдиган хориж технологияси сотиб олиш учун 105 минг АҚШ доллари, «Мақсад» хусусий фирмаси маъданли сув қуйиш ускуналари харид қилиш учун 72 минг АҚШ доллари, «Дента-плюс» клиникаси замонавий хизмат кўрсатиш учун хориж стамотология асбоб-ускуналари харид қилиш мақсадида 70 минг АҚШ доллари олган эди. Айни пайтда мазкур корхоналар барқарор фаолият кўрсатмоқда. Қуйида «Дента-плюс» хусусий корхонаси тўғрисида ҳикоя қиламиз.

Садафдек ялтираб турган тишларига ҳавас билан қараганимни кўриб, қўшним шундай деди:

— Шаҳримизнинг «Дента-плюс» хусусий клиникасида қўйдирдим. Шифокорларнинг хизмати жуда маъқул бўлди. Энг муҳими, барча жараёнлар ҳеч қандай оғриқсиз амалга оширилар экан. Шу билан бирга жуда қисқа фурсатда тиш қўйишди. Хизмат ҳақи ҳам унчалик қиммат эмас.

Пойтахтимизнинг Абдулла Тўқай кўчасидаги 16-уйда жойлашган «Дента-плюс» хусусий клиникаси мана тўрт йилдирки, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ерда тишни даволашдан тортиб, турли садафлардан тиш ҳам қўйилади. Беморларга жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада хизмат кўрсатилади. Шу боис даволанувчилар сони йилдан-йилга ошиб бораяпти. Масалан, клиника очилган йили улар сони 400 га яқин бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида бу кўрсаткич 1100 тадан ошди.

... Абдурасул Жалиловнинг асли касби врач-стамотолог. У мамлакатимизда хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор берилаётганлигини кўриб, хусусий клиника очишга қарор қилди. 1996 йили бу ишга қўл урди. Дастлаб ўз маблағига клиника очди. Лекин замонавий аппаратлар ва асбоб-ускуналар зарурлигини сезиб, банкдан имтиёзли кредит олишга аҳд қилди. Ўрта Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг «Кроссроудз» компаниясидан 70 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ олди. Бу ишда унга «Ўзтадбиркорбанк» ходимлари яқиндан ёрдам беришди. Улар ёрдамида бизнес-режа тузилди ва олинаётган маблағга банк кафолат вазифасини ўтади.

Кредитга Чехия, Германия, Исроилдан замонавий стамотология асбоб-ускуналари ва креслолар, шунингдек, бошқа зарур воситалар сотиб олинди. Замонавий асбоб-ускуналар унумдорлиги бизнес-режадаги уч марта ўрнига беш баравар ортди.



# Фаришта

## «Қўш устунимнинг бири» туркумидан

Ёши улуғларни биласиз — қушуйқу бўлишади. Ҳаммадан кеч ётиб, ҳаммадан барвақт туришади.

Онам ҳам шунга одатланганди. Юз-қўлини ювгач, биринчи иши ҳовлимиз пештоқидаги чироқни ёқишу темир дарвозамизни ланг очиб қўйиш бўларди. Бу юмушни ҳеч қачон бизга буюрмасди, қишин-ёзин — доимо ўзи бажарарди. Мен унинг камуйқулигини кексаликка йўйардим. Тонг қоронғусида туртиниб-суртиниб дарвоза очишларини кўпйиллик кўникма ҳисоблардим. Сабабиниям сўрамасдим. Аммо бир гал...

Талаба эдим. Дорилфунунда ўқирдим. Қишки синовларни топшириб, таътилга чиққандим. Кечқурунок қишлоққа жўнаворгандим.

Эртаси ўйлаганимдек бўлди. Онам мени одатдагидай хўроз қичқирмасдан уйғотди. Сўнгра юпунгина кийиниб, ташқарига чиқиб кетди. Ҳаял ўтмай нимқоронғи хона шифтида шуъла ўйнади — ҳовлида чироқ ёнди. Кетма-кет қулоғимга муштдайлигимдан таниш садо — дарвозамизнинг даранг-дурунги эшитилди. Эринибгина иссиқ ўрнимдан қўзғалдим. Ҳузур қилиб керишгач, даҳлизга ўтдим. Онам илиқ сув тўлдириб қўйган обдастани кўтариб, бурчакдаги дастшуга яқинлашдим.

Артиниб-таранаётган маҳалим эшик ғижирлади-ю, ичкарига олдин этни жунжиктирувчи муздай тиниқ ҳаво ёпирилди. Кейин уст-боши қор, ранг-рўйи ўчинқираган алфозда онам кириб келди. Пойгакда калишини ечаётиб, алланечук ихрагандай бўлди. Илкис ҳушёр тортдим. Синчков разм солиб, чўчиб тушдим: у чап қўли билан ўнг қўлининг бош бармоғини маҳкам ушлаб олганди. Кафтлари орасидан қон сизиб турарди.

— Нима қилди, опа? — сочиқни елкамга ташларканман, ҳадик аралаш унга юзландим. — Тинчликми?

— Э-э ўлсин... — онам жавоб бергиси келмагандай, паришон ҳолда юзини буриштирди. Сувинг қолган бўлса, озгина қуйвор, — дея титроқ қўлларини дастшу узра чўзди.

Қарасам, жароҳати жиддий: бошмалдоғининг тирноғи кўчиб кетибди. Сал тегинса, узилиб тушгудай аранг осилиб турибди. Хавотирим баттар ошди:

— Нима бўлди, бундоқ гапирсангиз-чи, ахир!

Ўзимам сездим, бу сафар овозим бир баҳя баланд — зардалироқ чиқди.

— Ҳеч нарса, — онам гапим оҳангига парво қилмади. Қаддини ростлаб, отамнинг якка михга илинган эски белбоғига ишора қилди. — Анави рўмолни бу ёққа ол-чи!

Тушундим. Дарров белбоғ четидан бир парчасини узунасига йиртиб, ярасини боғлашга тутиндим.

— Бу шамол ўлгур яна эски нағмасини бошлади, кечаси билан тиним билмай, увиллаб чиқди. — Онам ҳаммасига худди ўзи айбдордай оҳиста тилга кирди. — Дарвозанинг тагига қор тўпланиб, музлаб қопти. Тортсам, очилмади. Қаттиқроқ силкитувдим, оёғим тойиб кетди. Йиқилаётганимда, дарвозанинг тавақаси қўлимни қисиб қолди.

У шундай дея ярадор бармоғини латта устидан авайлаб силаб қўйди. Оғриди шекилли, сержин юзи изтиробли буришиб кетди. Азбаройи ачинганимдан тағин саволга тутдим:

— Ҳеч тушунмайман, шу изғиринда дилдираб дарвоза очиш сизга нима азоб? Уйимиз қишлоқнинг энг чеккасида бўлса, азон палла биров йўқлаб келармиди?..

— Ундай дема! — Онам сўзимни чўрт кесди. Юзимга қараб туриб, аста бош чайқади. — Унақа демагин, болам, — деди қаттиқ шивирлаган кўйи такрорлаб. — Одам келмаса, фаришталар келади-ку.

— Ким? — Яхши англамай сўрадим.

— Фаришталар!

У бошқа сўз айтмади. Секин ортига ўгирилиб, хонаси томон юрди. Совиб қолган печка олдига бориб, пастга энгашди. Соғ қўлига оташкурак олиб, қопқоқни кўтарди. Кул босган тошкўмир чўғини титкилаб, устига тараша қалагач, гапида давом этди. — Саҳар чоғи дарвозасини очган одам савобга қолади. Уйига фаришталар кириб, ризқ-насиба улашади.

Онам «уқдингми?» дегандай менга саволомуз назар ташлади. Жовдираб боқишини кўриб, ўзимни босолмадим. Томорқамиз девор билан ўралмаганини, адоғи далага туташганлигини эслаб, кулиб юбордим.

— Қизиқмисиз, опа, — дедим ўзимча ҳазил қилиб, — фаришталар кираман деса, ана, ҳовлимизнинг чор тарафи очиқ. Ариқдан у ёғи кенг дала. Ёки фаришталар фақат дарвозадан кирадими? Бирор жойга шунақа деб ёзиб қўйганми?

— Билмасам... — онам пешонасига тушиб қолган бир тутам оппоқ сочини рўмоли остига қистираркан, негадир оғир сўлиш олди. Ловуллай бошлаган алангага маъюс термулганча жим қолди. — Менга отанг шунақа деган-да. — Унинг овози янада майинлашди. — Ҳарқалай, отанг эскичадан яхши хабардор. Бир нимани билмаса, бекордан-бекорга гапирмайди. Эрталабки насиба қутлуғ бўлади. Бунга шак келтирма, нақ Худонинг қаҳри келади-я... Яхшиси, ўтириб нонуштангни қил. Ҳозир чой қайнайди.

У печка устидаги биғиллай бошлаган қумғонга имо қилиб, оёққа турди. Токчадаги чойнак-пиёлаларни олиб, даҳлизга чиқди.

Тамом! Энди баҳслашишниям, ҳазиллашишниям ҳожати йўқ. Онам отамнинг ҳар бир сўзини ўзи учун қонун деб билади. Канда қилмай адо этади. Эсимни танибманки, бизни ҳам мудом шунга ундайди.

Индамайгина хонтахта ёнига чўкдим...

Вақт — югурик сув, умр — оқар дарё экан! Туғилиш бор жойда ўлим ҳам бор экан! Бу тақдири азалга кўникмай, пешонада борига шукур қилмай илож қанча? Мана, ўзимдан қиёс: қирчиллама ёшимда бошимга мусибат тушди. Соппа-соғ юрган онам беҳосдан вафот этди. Куни кеча худойисини ўтказдик. Бугун навбатчилигим бор эди. Тонг отмай Тошкентга қайтишим, газета саҳифалангунча ишга етиб боришим шарт эди.

Афсус, онамнинг йўқлиги дарҳол билинди. Кўзимни очганимда, бомдод пайти бўлиб қолганди. Хаёли паришон отам намозини ўқишга ҳозирланаётганди. Шоша-пиша хайрлашдиму йўлга отландим. Бироқ...

Ҳовлига чиқсам, чироқ ўчиқ. Кўчага бурилсам, дарвоза ёпиқ. Дала томондан ҳазин-дилгир шабада елади. Ҳувиллаган кенг, қоронғи бостирма кўнгилга ваҳм солади. Нотаниш манзарага гувоҳ бўлиб, ич-ичимдан зил кетдим: ахир, онам ҳаётлигида лоақал бирор марта шунақа бўлганмиди? Чироқ ёқилмай, дарвозамиз очилмай қолганмиди?.. Йўқ! Энди-чи?.. Наҳотки.. наҳотки, фаришталар ҳовлимизни тарк этишган, бизникига кирмай қўйган бўлишса?..

Ўпкам тўлиб, бўғзимга нимадир қадалди. Беихтиёр деворни пайпаслаб, ток улагични топдим. Чироқни ёққач, шаҳд билан дарвоза сари юрдим. Бориб, бирваракайига иккала тавақасини ҳам ланг очиб юбордим.

Ажаб, худди шу лаҳза гўёки мўъжиза рўй берди. Назаримда, онам бўсағада хокисоргина бўлиб, мамнун жилмайиб тургандай, ҳовлимизга чор тарафдан нур ёғилаётгандай туюлди. Билсам, ҳар тонгсаҳар фаришталарга эшик очадиган, уларни ҳаммадан аввал қарши оладиган онамнинг ўзи фариштадай беозор, фариштадай юмшоқ аёл экан. Мен нодон ҳу, ўша — талабалик кезларим унинг мулойимлигини соддаликка йўйган, ноўрин кулгим билан билиб-билмай кўнглини ранжитган эканман. Ҳозир эса...

Айтинг, нима қилай? Гуноҳимни нима билан ювай? Бу жудоликка қандай чидай? Ахир, мен уч кун бурун ҳақиқий фариштамни йўқотиб қўйдим...

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ.**

• 2001 йил — Оналар ва болалар йили



## «БАНК-МИЖОЗ» ТИЗИМИ:

# БАНК ДОИМ ЁНГИНАНГИЗДА

***Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг бир қанча мижозлари энг замонавий банк хизматларидан бири бўлган олисдан хизмат кўрсатиш тизими ёки, жўнроқ қилиб айтганда, «Банк-Мижоз» афзалликларига баҳо бериш имкониятига эга бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, Миллий банкда ишлаб чиқилган тизим банк иши соҳасида энг юқори халқаро андозаларга ҳам жавоб бера олади.***

***«Банк-Мижоз» хизматининг моҳияти нимадан иборат? Ундан фойдаланиш банк ва унинг мижозларига қандай афзалликлар беради? Миллий банкнинг Автоматлаштириш ва компьютерлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Дамир Ортиқов бу ҳақда ҳикоя қилади:***

— Банк амалиётида пайдо бўлган мазкур услуб мижознинг банкда бўлишини талаб қилмай, банк билан мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқди. Энди мижознинг ҳар куни банкка келиб туришига эҳтиёж қолмайди - банк хизматларидан бевосита офисда ва ҳатто уйда туриб ҳам фойдаланиш мумкин.

Мазкур банк маҳсулотининг жорий этилиши эвазига мижозларга хизмат кўрсатиш вақти ниҳоятда кўпайди. Бундан буён мазкур тизимдан фойдаланувчиларга кунига 24 соат ва ҳафтасига 7 кун мобойнида банк хизматлари кўрсатилади. Буларнинг ҳаммаси янги тизимнинг мижоз учун мутлақо афзал, деб ишонч билан айтиш имконини беради.

Шубҳасиз, бу тизим банк учун ҳам фойдалидир. Уни қўллаш натижасида мижозларга хизмат кўрсатиш харажатлари камаяди, ҳисобварақлар бўйича операцияларни амалга ошириш вақти қисқаради. Янги усулда ҳужжатларни киритиш, текшириш ва уларга ишлов бериш чоғида хатоларга йўл қўйиш эҳтимолини истисно этади. Банк ходимларини кўпайтирмай ва банк офисини ривожлантиришга жиддий инвестициялар сарфламай туриб мижозларни кўпайтириш имкониятига эга бўлади.

**— «Банк-Мижоз» тизимига қандай иш тамойиллари киритилган?**

—Тизим ҳужжатларга электрон ишлов бериш тамойилларида, яъни қоғоз ёрдамида, лекин техника воситаларидан фойдаланиб, иш юритиш негизида амал қилади. Умуман олганда, электрон ҳужжатлар айланиши — қоғоз ҳужжатлардан фойдаланмай, компьютер ёрдамида ахборот алмашиш ва уларга ишлов бериш жараёнидир.

Хуллас, «Банк-Мижоз» тизимидаги бутун ахборотлар электрон ҳужжатлар сифатида тақдим этилган. Бу ҳужжатлар компьютернинг хотирасида сақланиб, электрон коммуникация каналлари орқали жўнатилади. Табиийки, электрон ҳужжатнинг қоғозига кўчирилган нусхасини истаган вақтингизда олишингиз мумкин.

**— Дамир Давронович, айтингчи, «Банк-Мижоз» тизимини жорий этиш ҳозирги кунда қайси босқичда турибди?**

Ҳозирги кунда «Банк-Мижоз» тизимидан тажриба тариқасида фойдаланиб кўрилади. Унинг иши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ниҳоятда ижобийдир.

Айтиш керакки, ўзимиз учун иши ҳозирги замон талабларига мос келадиган ва узоқ муддат ишлай оладиган, банкдан модернизация учун доимий харажатларни талаб қилмайдиган моделни танлаганимизда биз «Банк-Мижоз» туридаги мавжуд воситаларнинг ва энди яратилаётган воситаларнинг бозорини диққат билан ўрганиб чиқиб, мазкур тажрибани ўз тизимимизда ишлаб чиқишда эътиборга олдик.

Энди тўла асос билан айтиш мумкинки, Миллий банк барча замонавий талабларга жавоб бера оладиган олисдан хизмат кўрсатувчи «Банк-Мижоз» тизимига эгадир. Биз ҳам мазкур тизимдан барча мижозларимиз фойдаланишига умид қиламиз.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ
(масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
(масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик* — 133-78-92;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 1115,
18120 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — А.МАДАТОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.20*
1 2 3 4 5 6

## Ҳадиси шариф дурдоналари

- *Шубҳали нарсани қўй, шубҳасизини ол.*
- *Биродарнинг биродарга қилган ғойибона дуоси ижобатдир (қабулдир).*
- *Яхшиликка далолат қилувчи киши яхшиликни қилган киши билан (савобда) баробардир.*
- *Еган таомга кўп шукур айтувчи баъзи банданинг рўза тутган сабрли кишидан ҳам ажри кўпдир.*
- *Тилини (сўзини) яхшилаган бандага Аллоҳ раҳматини берсин.*
- *Хатга жавоб қайтариш ҳам саломга алик олгандек вожибдир.*

## • Жумбоқ

***25 та катакка 1 дан 25 гача бўлган рақамларни шундай жойлаштирингки, энига, бўйига ва диагоналига рақамлар йиғиндиси 65 га тенг бўлсин. Бунда бирор рақам такрорланмасин ёки тушиб қолмасин.***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

* * *

**Аввалги сонда берилган жумбоқнинг жавоби: Гап инсон исми ҳақида кетяпти.**

*Бу ҳақда 136-35-60 рақамли телефонга тошкентлик Нодирахон Абдукаримова ва Матлуба Султоновалар хабар қилишди.*

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона корхона

“Лок колор синтез” ҚЎШМА КОРХОНАСИ

республикада ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА сифатли маҳсулотларнинг савдоси бошланганини маълум қилади.

Кенг ассортиментдаги маҳсулотлар!



ҚУРИЛИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:
✓ Уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари.
✓ Ташқи деворлар учун бўёқлар.
✓ Алкид эмаллари.
✓ Полларни бўяш учун эмаллар.
✓ Ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар.
✓ Акрилат эмаллари.
✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.
✓ L 80,100,120 мм.ли михлар.
✓ Эмульсия елими.
✓ Силикат елими.

САНОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:
✓ Универсал алкид бўёқлари.
✓ Универсал алкид лаклари.
✓ Алкид-уретан эмаллари.
✓ Акрилат эмаллари.
✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.

Манзил: Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., Фарғона йўли к., 35.
Тел.: (99871) 1914741,1918094. Факс: (99871) 191746.
E-mail: lakolor@online.ru.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Кунига 24 соат ва ҳафтасига 7 кун

автоматлаштирилган компьютер тизимидан фойдаланиб, реал давр шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича банк хизматларининг ишончли ва қулай турини таклиф этади

NBU

Янги хизмат тавсифи билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан маслаҳатни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: (99871) 137-59-37, 137-59-60

«БАНК-МИЖОЗ»

деб аталган масофадан хизмат кўрсатиш тизими

уйдан ёки офисдан чиқмай туриб, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ўз ҳисобварақлари ҳолати, улар бўйича кирим ва чиқим тўловлари тўғрисида батафсил маълумот олиш, банкнинг тегишли хизматлари билан амалий ёзишмаларни юритиш имкониятини таъминлайди

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки — пулларингиз сақланиши ва даромадлилигига кафолат.